


XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра республика доимий аҳолиси сони 34 036,8 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 131,6 минг кишига ёки 0,4 % га ўсди.


Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 17 183,7 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,5 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 853,1 минг кишини (49,5 %) ташкил этди.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жами
аҳолига нисбатан улуши, % да




○ Шаҳар ○ Қишлоқ

Эркаклар ва аёлларнинг жами
аҳолига нисбатан улуши, % да




○ Аёллар ○ Эркаклар


Тирик туғилганлар сони
(минг киши)





Ўлганлар сони
(минг киши)




Никоҳлар сони
(минг бирлик)




Ажримлар сони
(минг бирлик)



Кўчиб келганлар
(минг киши)



Кўчиб кетганлар
(минг киши)



Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, республика жами аҳолисига нисбатан, % да)



Республика худудлари кесимида 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3892,5 минг кишини (республика жами аҳолиси сонидagi улуши 11,4 %), Фарғона вилоятида 3766,0 минг кишини (11,1 %), Қашқадарё вилоятида 3293,6 минг кишини (9,7 %), Андижон вилоятида 3139,8 минг кишини (9,2 %), Тошкент вилоятида 2951,5 минг кишини (8,7 %), Наманган вилоятида 2821,9 минг кишини (8,3 %) ва Сурхондарё вилоятида 2640,6 минг кишини (7,7 %) ташкил этди.

Республика худудлари кесимида 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, энг кам аҳоли сони Сирдарё вилоятида 849,7 минг кишини (республика жами аҳолиси сонидagi улуши 2,5 %), Навоий вилоятида 1000,6 минг кишини (2,9 %), Жиззах вилоятида 1388,5 минг кишини (4,1 %), Хоразм вилоятида 1872,2 минг кишини (5,5 %), Қорақалпоғистон Республикасида 1903,9 минг кишини (5,6 %), Бухоро вилоятида 1929,1 минг кишини (5,7 %) ва Тошкент шаҳрида 2586,9 минг кишини (7,6 %) ташкил этди.




Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, % да)



Худудлар бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли сонининг энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (102,6 %), Сурхондарё (102,3 %), Жиззах (102,2 %) Қашқадарё (102,1 %) ва Наманган (102,1 %) вилоятларида кузатилди.

Худудлар бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли сонининг энг паст ўсиши Қорақалпоғистон Республикаси (101,5 %), Бухоро (101,5 %), Тошкент (101,5 %), Хоразм (101,7 %) ва Навоий (101,8 %) вилоятларида кузатилди.



Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ҳаракати
(январь-март)


Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Туғилганлар	159,5	170,4	19,4	20,2
Ўлганлар	36,9	37,5	4,5	4,4
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	1,6	2,1	8,5 ¹⁾	10,4 ¹⁾
Никоҳлар сони, минг бирлик	53,6	49,5	6,5	5,9
Ажримлар сони, минг бирлик	8,0	7,8	1,0	0,9

¹⁾ 1000 тирик туғилганга нисбатан

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, республика доимий аҳолиси сонининг 30,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 58,7 % и меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,5 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар хиссасига тўғри келмоқда.


Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, жамига нисбатан % да)




Туғилиш. 2020 йил январь-март ойларида 170,4 минг нафар бола туғилганлиги (фақат тирик туғилганлар) қайд этилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига (159,5 минг нафар бола) нисбатан 10,9 минг нафар болага кўпайди. Туғилиш коэффициенти 20,2 промиллени ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича тирик туғилганлар сони
(2020 йил январь-март)




2020 йил мобайнида энг кўп туғилганлар сони март ойларида кузатилди. Аксинча, энг кам туғилганлар февраль ойларида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича тирик туғилганлар сони
(январь-март)




Худудлар кесимида туғилганлар коэффиценти ўзгариши
(январь-март)




Туғилиш даражасининг ўсиши Ташкент шаҳри (16,8 промилледан 18,9 промиллега), Жиззах (22,1 промилледан 23,7 промиллега), Андижон (19,5 промилледан 21,0 промиллега) ва Фарғонада (18,6 промилледан 20,0 промиллега) кузатилди.

Туғилиш даражасининг пасайиши Самарқанд (21,2 промилледан 21,2 промиллега), Бухоро (16,9 промилледан 16,8 промиллега), Қорақалпоғистон Республикаси (17,7 промилледан 17,5 промиллега) ва Сирдарёда (20,5 промилледан 20,8 промиллега) қайд этилди.



Худудлар кесимида туғилиш коэффиценти
(2020 йил январь-март)




Худудлар бўйича энг юқори туғилиш коэффиценти Жиззах (23,7 промилле) Сурхондарё (22,7 промилле), Қашқадарё (21,9 промилле), ва Самарқанд (21,2 промилле) вилоятларида кузатилди.

Худудлар бўйича энг кам туғилиш коэффиценти Бухоро (16,8 промилле), Хоразм (17,0 промилле) Қорақалпоғистон Республикасида (17,5 промилле) вилоятларида ҳамда Навоийда (18,5 промилле) кузатилди.



Ўлим. 2020 йил январь-март ойларида ўлганлар сони 37,5 минг кишини ташкил этиб, 2019 йил январь-март ойларига (36,9 минг киши) нисбатан 0,6 минг кишига кўпайган. Ўлим коэффициенти 4,4 промиллени ташкил этди (2019 йил январь-мартда 4,5 промилле бўлган).

Ўзбекистон Республикаси бўйича вафот этганлар сони
(2020 йил январь-март)



2020 йил мобайнида энг кўп вафот этганлар сони февраль (13,7 минг киши). Аксинча, энг кам январь (11,1 минг киши) ойларида кузатилди


Ҳудудлар кесимида вафот этганлар сони

(2020 йил январь-март)




Ҳудудлар бўйича энг кўп вафот этганлар Фарғона (4,1 минг киши), Тошкент (4,0 минг киши) вилоятларида, Тошкент шаҳрида (4,0 минг киши) ва Самарқанд (3,8 минг киши) Андижон (3,7 минг киши) вилоятида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича энг кам вафот этганлар Сирдарё (0,9 минг киши), Навоий (1,1 минг киши), Жиззах (1,3 минг киши), Бухоро (1,9 минг киши) ва Хоразм (1,9 минг киши) вилоятларида кузатилди.




Худудлар кесимида ўлим коэффиценти
(2020 йил январь-март)




Худудлар бўйича энг юқори ўлим коэффиценти Тошкент шаҳрида (6,3 промилле), Тошкент (5,5 промилле), Андижон (4,7 промилле) ва Наманган (4,6 промилле) вилоятларида кузатилди.

Худудлар бўйича энг паст ўлим коэффиценти Қашқадарё (3,7 промилле), Жиззах (3,8 промилле), Бухоро (3,9 промилле) ва Самарқанд (3,9 промилле) вилоятларида қайд этилди.



Вафот этганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан, % да)



2019 йил январь-март


2020 йил январь-март

2020 йилда вафот этганларнинг 8,2 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга, 24,0 % и меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга ва 67,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келди.

Маълумот учун: 2019 йилда вафот этганларнинг 6,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга, 24,9 % и меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга ва 68,3 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келди.

Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 67,8 % ини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

Вафот этганларнинг асосий ўлим сабаблари бўйича тақсимланиши
(2020 йил январь-март ҳолатига кўра; жами вафот этганларга нисбатан, % да)



Рўйхатга олинган жами вафот этганларнинг 62,4 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,3 % и ўсимталардан, 5,5 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 4,8 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,3 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 1,4 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,3 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг январь-март ойларида дастлабки маълумотларга кўра 55 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффиценти 32,3 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.

100 минг тирик туғилганга нисбатан оналар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Сурхондарё (80,7), Сирдарё (68,5), Тошкент (64,2), Навоий (43,6), Фарғона (26,7) ва Хоразм (25,3) вилоятларида қайд этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида 1 ёшгача бўлган болалар ўлими 2,1 минг нафарни ташкил этиб, гўдақлар ўлими коэффиценти 10,4 промиллега (2019 йил январь-мартда – 8,5 промилле бўлган) тенг бўлди.

Худудлар кесимида гўдаклар ўлими коэффициенти
(2020 йил январь-март ҳолатига кўра, 1000 тирик туғилганга нисбатан)




1000 тирик туғилганга нисбатан гўдаклар ўлими коэффицентининг юкори даражаси Хоразм (13,9 промилле), Тошкент шаҳрида (13,7 промилле), Қорақалпоғистон Республикаси (13,6 промилле), Андижон (13,5 промилле), ва Наманган (12,9 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами вафот этган болаларнинг 51,1 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,9 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 13,2 % и туғма аномалиялардан, 4,0 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,5 % и бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,5 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан ва 4,8 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Худудлар кесимида асосий ўлим сабаблари бўйича вафот этганларнинг тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан, % да)




- Ўсимталардан
- Қон айланиш тизими касалликларидан
- Нафас олиш аъзолари касалликларидан
- Овқат хазм қилиш аъзолари касалликларидан
- Бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жар оҳатланишлардан
- Бошқа касалликлардан

Никоҳ. 2020 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 49,5 минг никоҳ қайд этилиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 5,9 промиллени ташкил этди.

Никоҳ тузиш коэффицентининг камайиши Жиззах (5,6 дан 4,5 промиллега), Хоразм (11,8 дан 10,8 промиллега), Андижон (6,3 дан 5,4 промиллега) ва Бухоро (7,8 дан 6,9 промиллега) вилоятларида кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича тузилган никоҳлар сони
(2020 йил январь-март)




2020 йил мобайнида энг кўп тузилган никоҳлар сони январда (19,1 минг бирлик) кузатилди.

Никоҳдан ажралишлар. 2020 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 7,8 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,9 промиллени ташкил этди.


Никоҳдан ажралиш коэффициентиинг камайиши Тошкент шаҳри (1,8 дан 1,6 промиллега), Андижон (1,4 дан 1,1 промиллега), Наманган (1,0 дан 0,8 промиллега) ва Тошкент (1,3 дан 1,1 промиллега) вилоятларида кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича никоҳдан ажрашганлар сони
(2020 йил январь-март)




2020 йил мобайнида энг кўп никоҳдан ажрашганлар сони январь (2,9 минг бирлик), энг кам никоҳдан ажрашганлар сони март (2,1 минг бирлик), ойларида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида никоҳ тузганлар коэффиценти




Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг юқори никоҳ коэффиценти Хоразм (10,8 промилле), Қорақалпоғистон Республикаси (7,8 промил-ле), Бухоро (6,9 промилле), Сурхондарё (6,6 промилле) вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг кам никоҳ тузиш коэффиценти Жиззах (4,5 промилле), Навоий (4,7 промил-ле), Наманган (4,7 промилле) ва Қашқадарё (5,1 промилле) вилоятларида кузатилди.



Ҳудудлар кесимида никоҳдан ажрашганлар коэффиценти



Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг юқори никоҳдан ажрашганлар коэффиценти Тошкент шаҳрида (1,6 промилле), Сирдарё (1,5 промилле), Андижон (1,1 промилле), Навоий (1,1 промилле) ва Тошкент (1,1 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг кам никоҳдан ажрашганлар коэффиценти Қашқадарё (0,6 промилле), Хоразм (0,6 промилле), Қорақалпоғистон Республикаси (0,7 промилле) ва Сурхондарё (0,7 промилле) вилоятларида кузатилди.



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 40,1 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 41,5 минг кишини ташкил этди.

Аҳоли миграцияси
(январь-март, минг киши)

	Келиш		Кетиш		Миграция сальдоси	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.
Ўзбекистон Республикаси	41,2	40,1	42,6	41,5	-1,4	-1,4
Қорақалпоғистон Республикаси	3,2	2,5	3,8	3,3	-0,6	-0,8
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1,8	1,9	2,3	2,4	-0,5	-0,5
Бухоро	1,2	1,3	2,0	2,3	-0,8	-1,0
Жиззах	2,9	2,6	3,0	3,0	-0,1	-0,4
Қашқадарё	2,6	3,0	4,1	4,7	-1,5	-1,7
Навоий	2,7	2,4	2,7	2,5	0,0	-0,1
Наманган	1,4	1,3	1,6	1,7	-0,2	-0,4
Самарқанд	2,4	1,8	3,6	3,3	-1,2	-1,5
Сурхондарё	2,6	2,2	3,3	2,9	-0,7	-0,7
Сирдарё	2,4	2,4	2,6	2,5	-0,2	-0,1
Тошкент	4,5	5,6	5,4	6,0	-0,9	-0,4
Фарғона	4,2	2,8	4,4	3,4	-0,2	-0,6
Хоразм	1,7	1,6	2,0	1,9	-0,3	-0,3
Тошкент ш.	7,6	8,7	1,8	1,6	5,8	7,1

Миграция сальдоси минус 1,4 минг кишини ташкил этди. 2019 йилнинг мос даврида миграция сальдоси минус 1,4 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Қашқадарё (минус 1,7), Самарқанд (минус 1,5) ва Бухоро вилоятларида (минус 1,0), Қорақалпоғистон Республикасида (минус 0,8) кузатилди.

Миграция сальдосининг ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 7,1) кузатилди.

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 0,5 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 1,9 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб
келганларнинг тақсимланиши
(2020 йил январь-март ойларида)



Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 34,1 %), Тожикистон Республикаси (28,6 %), Россия Федерацияси (19,6 %), Қирғизистон Республикаси (7,1 %), Украина Республикаси (1,2 %) ва бошқа мамлакатлар (9,4 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб
кетганларнинг тақсимланиши
(2020 йил январь-март ойларида)



Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 64,8 %), Россия Федерацияси (29,2 %), Қирғизистон Республикаси (0,9 %), Исроил (0,9 %), Тожикистон Республикаси (0,8 %), ва бошқа мамлакатлар (3,4 %) ҳиссасига тўғри келди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Доимий аҳоли – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

Шаҳар аҳолиси – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

Қишлоқ аҳолиси – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда - қишлоқ жойларда (овулар, қишлоқлар ва бошқалар) истиқомат қилувчи аҳоли.

Доимий аҳоли сонини баҳолаш - охириги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида ҳисобланиб, унга ҳар йили туғилганлар ва муайян ҳудудга кўчиб келганлар сони қўшилиб, ўлганлар ва муайян ҳудуддан кўчиб кетганлар сони айрилади.

Туғилиш – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти – ҳисобот йилида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

1000 та аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти – ҳисобот йилида жами ўлганлар сонини ҳисобот йилидаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Гўдаклар ўлими – ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган болалар ўлими ходисаси.

1000 туғилганга нисбатан (1 ёшгача болалар ўлими) гўдаклар ўлими коэффициенти куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Коэфф.} = (Y_{\text{ж}}^t / T_{\text{ж}} + Y_{\text{ж}}^{t-1} / T_{\text{ж-1}}) * 1000,$$

бу ерда $Y_{\text{ж}}^t$ - жорий йилда туғилиб, шу йили ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{\text{ж}}$ – жорий йилда туғилганлар сони;

$Y_{\text{ж}}^{t-1}$ – ўтган йилда туғилиб, жорий йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{\text{ж-1}}$ – ўтган йилда туғилганлар сони.

Ўлим сабаблари – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек, ўлим билан яқун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари.

Никоҳ – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

1000 аҳолига нисбатан никоҳлар коэффиценти - ҳисобот йилида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) – эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи, никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ ФХДЁ ёки суд органларида ажралишни рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.

1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффиценти - ҳисобот йилида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади

Кўчиб келганлар сони – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

Кўчиб кетганлар сони – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқаришда тузиладиган кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи) - ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори.